O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

238

# QAROR

2010 yil «14» июн

Samarqand tumani

868-Q Sonli

**«Кайнама» кишлок фукаролар йигини «Навбог» махалласи худудидан фукаро Рузикулова Лолага мактаб укув куроллари хамда озик овкат савдо дукони куриш учун 120,0 кв. метр туман захира ерлари хисобидаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакида.**

Самарканд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссия йигилишининг 2010 йил 19 мартдаги 15 ракамли баённомаси, Самарканд вилоят табиатни мухофаза килиш кумитасининг 2009 йил 30 декабрдаги 1088-сонли хулосаси, фукаро Рузикулова Лоланинг туман хокимлигига берган аризаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. «Кайнама» кишлок фукаролар йигини «Навбог» махалласи худудидан фукаро Рузикулова Лолага мактаб укув куроллари хамда озик овкат савдо дукони куриш учун туман давлат захира ерларидан жами 120,0 кв. метр (шундан: 120,0 кв. метр туман захира ерлари хисобидаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссия йигилишининг 2010 йил 19 мартдаги 15 ракамли баённомаси ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиклансин.

2. Фукаро Рузикулова Лолага мактаб укув куроллари хамда озик овкат савдо дукони бино иншоотларини куришдан олдин Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал килган холда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утказиш вазифаси топширилсин.

3. Узбекистон Республикасининг «Солик кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2011 йил 1 январ холатидаги ер балансига узгартириш киритиш туман Давлат солик инспекцияси (З. Аминов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри булими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юклансин.

**Туман хокими** **Б. Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

269

# QAROR

Samarqand tumani

2010 yil "15" июн

870 Q Sonli

"TIKLANISH SJX" масъулияти чекланган жамиятига мебел ишлаб чиқариш устахонаси ва кўргазма зали қуриш учун ер майдони ажратиш туғрисида"

"TIKLANISH SJX" масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб "Чўпонота" массиви худудидан мебел ишлаб чиқариш устахонаси ва кўргазма зали қуриш учун ер майдони ажратишни сўраган

Юқоридагиларни, давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 27 апрелдаги 378-сонли хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномасини хамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 30 апрелдаги хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 20- моддасига асосан,

Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:

1. "TIKLANISH SJX" масъулияти чекланган жамиятига "Чупонота" массиви ҳудудидан мебел ишлаб чикариш устахонаси ва кургазма зали куриш учун 0.30 га кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 30 апрелдаги хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. "TIKLANISH SJX" масъулияти чекланган жамиятига мебел ишлаб чикариш устахонаси ва кургазма залини қуришдан олдин қатъий равишда Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириғи (АРТ) , лойиҳа хужжатларини тайерлаб Давлат қурилиш экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б.Садуллаев**